

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 261 (1322), 2024 йил 25 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uz\_news



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Россия Федерациясига келди.

“Пулково” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Санкт-Петербург губернатори Александр Беглов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Сўнг давлатимиз раҳбари губернатор ҳамроҳлигида Исаакий майдонида пиёда сайр қилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон етакчи-си 25-26 декабрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи мақомида иштирок этади.

ЎЗА

## ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни таваллуд куни билан самимий муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчилигининг мамлакат мустақиллигини мустақамлаш, ҳудудий яхлитлигини тиклаш, барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқаро нуфузини юксалтиришдаги тарихий ролини алоҳида таъкидлади.

Президентлар олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлиги ва иттифоқчилиги муносабатларини янада кенгайтириш ва мустақамлашнинг долзарб масалаларини кўриб чиқилди.

Жорий Икки томонлама ҳамкорликни жадал ривожлантириш йилида биргалик-

да қилинган ишлар самарали бўлгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Узаро товар айирбошлаш ҳажми юқори суръатда ўсиб бормоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари фаол босқичда. Маданий-гуманитар алмашинувнинг тадбирларига бой дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарлари халқаро кун тартибни юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА

## ТАЪЛИМ СИФАТИ БАРЧА ҲУДУДЛАРДА ТЕНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ ЗАРУР

Давлатимиз раҳбарига мактабгача ва мактаб таълими тизимида 2025 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар бўйича ахборот берилди.

Шахс тарбиясининг пойдевори бўлган бу бугунларга давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳудудларда янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, мутахассислар салоҳияти оширилмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмалари замон талабларига мослаб янгиланипти.

Мактабгача таълим тизими илгор хорижий таълимнинг умумилий ҳаракатга айланди. Охириг етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, бу йил 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ёшларга иккинчи хорижий тил ва касб ўргатиш кенгайтирилди. Илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим йўлга қўйилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазири навбатдаги режалар юзасидан ахборот берди. Қайд этилганидек, келгуси ўқув йилида 100 дан зиёд мактаблар ташкил этилиб, 257 миң ўқувчи ўрни очилди. Давлат таълим дастури халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилди.

Иккинчи хорижий тил ўқитиладиган мактаблар 420 тага, касб-ўнвур ўргатиладиганлари 400 тага етказилди.

Дунёдаги илгор таълим, янги услублар амалиётга киритилмоқда. Жумладан, бу йил 1 миң 500 та умумтаълим мактабиде янги баҳолаш тизими жорий қилинди. Натижалар таълидан келиб чиқиб, бу таъриба яна кенгайтирилади.

Ўқитувчиларга малака тоифасини беришда ҳам рақамлаштирилган тизимга ўтилган. Энди тоифасини оширган педагоглар рағбатлантирилади, уларга тўплаган балига қараб 70 фоизгача устама берилади.

Давлатимиз раҳбари малака синовлари тартибни такомиллаштириш, соғлом рақобат муҳитини яратиб, барча педагогларга тенг имконият бериш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда кейинги йилдан ҳудудлардаги малака ошириш марказларида ўқув жараёнлари ўзгартирилди. Бунда ҳар бир ўқитувчининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, табақалашган малака ошириш тизими жорий қилинади. Малака сино-

видан ўта олмаганлар алоҳида дастур асосида қўшимча ўқитилади. Вилоятлардаги 5 та Педагогик маҳорат маркази замонавий шaroитда иш бошлайди. Барча марказлар ситуацияон ўқув техникалари ва виртуал лаборатория билан жиҳозланади.

Таълим ташкилотларига малакали раҳбарларни жалб этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча манбалар ҳисобидан мактаб ва боғчалар директорлари ҳамда уларнинг ўринбосарларини моддий рағбатлантириш таклифи билдирилди.

Таълим билан тарбия узвий олиб борилади. Ўзбекистон Президентининг шу йил 15 ноябрдаги қарорига мувофиқ, ўқувчиларни чақирувга қадар бошлангич тайёрлаш тизимига эътибор кучайди.

Юқори синфларда ҳарбий-ватанпарварлик дарслари бир соатга кўпайтирилди. Ушбу йўналиш ўқитувчилари нуфузини ошириш учун уларга ҳарбий ўнвон бериш тартиби белгиланди.

Келгуси ўқув йилигача бу фан бўйича янги дарсликлар ишлаб чиқилди, касбий салоҳияти юқори ўқитувчилар ишга жалб этилади. Мудофаа вазири билан бирга 208 та таълим масканида “Жасорат мактаблари” ташкил этилади. Бу мактабларга тарбияси оғир ўқувчилар ҳам қамаб олинади.

Жорий йил 30 сентябрь кунин соҳага доир яна бир муҳим ҳужжат — мактабгача таълим сифати ва самардорлигини янада ошириш бўйича Президент фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2025 йилдан бошлаб мактабгача таълим ташкилотининг директори ўринбосари лавозими жорий этилади. “Методик маҳорат соати”, “Методик маҳорат кунин” каби малака ошириш шакллари ташкил қилинади.

Кейинги йил 162 та мактабгача таълим ташкилоти қурилади, 100 та хусусий ва мингта оилавий боғча очилди. Булар орқали мактабгача таълим қамрови 78 фоизга етказилди. Мактабга тайёрлов гуруҳлари билан бошлангич синф ўқув дастурларининг узвийлиги оширилди.

Президентимиз соҳани барча ҳудудларда ривожлантириб, умумий таълим сифатини ошириш, бунда, айниқса, чекка туманларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАММАНИНГ ҲАЁТИДА АКС ЭТИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурда соғлиқни сақлаш соҳасида қилинган ишлар ва 2025 йилга мўлжалланган устувор вазифалар кўриб чиқилди.

Бу соҳадаги сифат ўзгаришлари шаҳардан то чекка ҳудудларгача, болажонлардан тортиб кексаларгача — ҳамманиннг ҳаётида акс этади. Шу боис, унга ажратилаётган бюджет маблағлари ҳар йили кўпайтириб боришмоқда. Барча ижтимоий хизматлар қатори тиббиёт ҳам халқимизга яқинлаштирилмоқда. Бирламчи бўғинда 18 миңдан зиёд тиббий бригада ташкил қилинган.

Касалликларни аниқлаш ва даволаш амалиётига замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ихтисослашган тиббий хизматда диагностика усуллари 500 дан, даволаш усуллари эса 800 дан ошди. Хусусий тиббиёт ривожига кенг йўл очилгани туфайли хизматлар тармоғи ва танлаш имконияти кўпайди.

2024 йилда соҳага 36 триллион сўм ажратилган эди. Бу ўтган йилга нисбатан 25 фоиз кўпдир.

Бирламчи бўғинда 6 турдаги скрининг текшируви йўлга қўйилди. Натижда 106 миң кишида қандли диабет, 194 миң нафарда юрак-қон томир, 2 миңдан зиёд аёлда саратон, мингта яқин болада онкогематологик касаллик эрта босқичда аниқланди.

Даволаш сифати ва самардорлиги алоҳида эътибор талаб қилади. Шу мақсадда 2 миңдан зиёд мутахассис хорижда қайта ўқитилди. Натижда ҳудудлардаги юқори технология операциялар улуши 61 фоизга етди. 43 та йўналишдаги 191 та клиник протокол халқаро андозалар асосида янгиланди.

Ихтисослашган марказлар ва филиалларда бу йил 100 миң бемор имтиёзли йўлланма асосида даволанди. 7 та ихтисослашган марказ сифат назорати бўйича халқаро аккредитациядан ўтди.

2025 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 41 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бу маблағ ҳисобидан янги шифохоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш, мавжуд қувватларни кенгайтириш, тиббий кўрик қамровини кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги асосий вазифа — бирламчи бўғинда тиббиёт сифатини ошириш эканини таъкидлади.

Бунинг учун вазирилик вертикалини ҳудудларда тўғри ишлатиш, айниқса, чекка ва оғир туманларга эътиборни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Туркиялик экспертлар 6 та ҳудудда тиббиёт муассасалари фаолияти ва уларда кўрсатилаётган тиббий хизматларни ўрганди. Ўрганишлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария хизматларини тизимли ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Мутасаддиларга бу масалани чуқур таҳлил қилиб, бирламчи бўғин трансформацияси бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш топширилди.

Ушбу йўналиш ходимларининг малака ошириш дастури такомиллаштирилди. Назарий билим ва кўникмаларни эгаллашдан компетенцияларни ривожлантиришга босқичма-босқич ўтилди.

Шунингдек, келгуси йил тиббиёт ходимларининг ойлук лавозим маошлари оширилади. Оилавий шифохоналарнинг меҳнат самардорлиги асосида устама тўлаш тартиби жорий қилинади.

Ҳудудларга бўлаётган эътибор изчил давом эттирилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида давлат тиббий суғуртаси амалиётлари жорий этилади. Марказлашган лаборатория хизматлари кенгайтирилади. “Харидлар маркази” ва унинг 13 та ҳудудий филиали ташкил этилиб, тиббий жиҳозлардан фойдаланиш электрон тизим орқали назорат қилинади.

Яна 35 та йўналишда 400 та миллий клиник протокол ишлаб чиқилди. 7 та ихтисослашган марказ ва 2 та олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтказилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, тиббий ўқув юрталарида таълим сифатини ошириш, унинг амалиёт билан ҳамоҳанглигини мустақамлаш, битирувчиларнинг бирламчи бўғинда таъриба орттиришини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

## 2024 ЙИЛ: ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЯНГИЛЕНИШЛАР ДАВРИ

ЮТУҚЛАР, ВАЗИФАЛАР, ИСТИҚБОЛАР

Кўз очиб юмгунча яна бир йил ортда қолмоқда. Урғин муддатда мамлакатимиз тарихига зарҳал харфлар билан ёзиладиган ислоҳотлар амалга оширилди. Биргина таълим тизимини ривожлантириш, илм-фан ҳамда инновацияларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар стратегик мақсадларга йўналтирилган кенг қўламли янгиланишлар натижасидир. Жумладан, Президентимиз раҳбарлигида шу йил 5 февралда ўтказилган видеоселектор йиғилиши ўқитиш соҳаси тубдан янгиланиши, қатор изчил ислоҳотлар амалга оширилиши учун пухта замин бўлди.



Давоми 3-бетда

Бу жараёнда халқаро таърибага асосланиб, таълим сифатини ошириш, замонавий талабларга жавоб берадиган рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айниқса, ўқитиш жараёнини халқаро стандартларга мослаштириш, инновацион ёндашувларни шакллантириш ва жорий этиш устувор вазифалардан бўлди.

2024 йилда янги Ўзбекистон таълим тизимида ўқитиш сифатини ошириш ҳамда ихтисослашувни янада чуқурлаштириш мақсадида жиддий қадамлар қўйилди. Хусусан, халқаро рейтингларнинг етакчи 300 талигига кирган олий таълим муассасалари дастури асосида мазмун жиҳатидан яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари 40 фоизгача мақбуллаштирилди. Бунинг натижасида 306 та йўналиш 183 тагача қисқартирилиб, таълим йўналишлари замонавий талаблар ва иқтисодиёт эҳтиёжларига мувофиқлаштирилди. Бундай ёндашув, бир томондан, ресурсларни оқилона тақсимлашга, иккинчи томондан, талабаларга сифатли ва мақсадли таълим беришга хизмат қилмоқда.

Давоми 3-бетда

## БУЮК БРИТАНИЯ: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИЧА НИГОҲ

Кўп миң йиллик қадриятларимизни асраб-авайлаш, буюк аждодларимиздан қолган бебаҳо маънавий мерос — қадимий ноёб ёзма манбаларни чуқур тадқиқ этиш ва илмий истеъмолга киритиш янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим масалалардан ҳисобланади.

Бу борада биз, тадқиқотчилар, мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, шунингдек, буюк алломаларимиз номлари билан аталадиган халқаро тадқиқот

марказлари томонидан хорижий мамлакатлардаги бир қанча илмий-маърифий муассасалар, таниқли олимлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, биргаликда қўлаб лойиҳалар амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, бундан бир оз муқаддам Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари вакиллари Саудия Арабистони ва Туркияда бўлиб, ўз фаолиятларига доир тақдиротлар ўтказган, турдош ташкилотлар билан келишувларга эришган эди.

Давоми 5-бетда

## Янги Ўзбекистон ҲОЯСИ



# БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС

## ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИГА АСОС СОЛМОҚДА

Кўпчилик бир иборани эшитган: “Дўстинг кимлигини айт, мен сенин кимлигингни айтиб бераман”. Буни жамият мисолида таҳрирласак, балки шундай бўлар: “Мамлакатинг ёшлари нима билан бандлигини айт, мен халқинг келажаги қандай бўлишини айтиб бераман”.

Дарҳақиқат, бугун ёшлик ўз ҳолига ташлаб қўйиладиган давр эмас, унинг пойлоқчиси, хўрандаси кўп. Бу эса нима учун инсонпарварлик тамойилларига содиқ давлатларда тарбия фақат маънавиятнинг иши эмас, балки сиёсат даражасидаги масалага айланаётганини рўйроост очиб беради.

Илгари тарбияни назорат қилиш осон бўлган. Масалан, фарзанд нима қилляпти, қимларга мухлис, ич-ичидан нимага қизикади — билишинг имконият фозилари катта эди. Сабаби у ахборотни, асосан, уйдаги телевизордан, нари борса, интернет кафелардан оларди. Интернетни эса ҳамма ҳам бирдек тушунавермасди. Бугун-чи? Бугун етти ешдан етмиш ешгача ҳаммада телефон бор. Интернетнинг чегараси сония сайин кенгайиб борапти. Чеклов

йўқ. Энди айтинг-чи, фарзандингиз ундан нима мақсадда фойдаланаётганини тўлиқ назорат қила оламан деб ўйлайсизми? Галимиз мудаоси нима? Бугун маънавиятнинг қаттиққўллик билан сингдириб бўлмай қолди. Уни фарзанд қалбига муттасил тарғибот билангина жойлаш мумкин.

Давоми 6-бетда



# ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ

## ИНСОНПАРВАР БОШҚАРУВНИ ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЎРНИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистонда ижтимоий давлат қуриш стратегик мақсад этиб белгиланган. Бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш мақсадидир. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда мустақамланган ушбу тамойил асосида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Жовдат ИНОҒОМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари

Келинг, айна йўналишдаги ишларга тўхталтишдан олдин ушбу тамойилнинг Конституция даражасида мустақамлаштириш зарурати, илгари мавжуд бўлган “давлат — жамият — шахс” парадигмасининг “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартирилгани хусусида қисқача фикр юритсак.

Маҳалла тизимида сунъий қотган масъул сифатида айтишни мумкин, мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги тарихий ислохотлар бошлангунга қадар жамият тизимида инсон қадри тушунчаси, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак деган тамойил, юрдушларимизнинг бутунги яшаётган кундан кунга ролини эриштиш каби мақсадлар тўғрисида ҳатто тасаввур ҳам йўқ эди. Агар бирор вақолат ёки маблаг нуқтани назардан қўл-оёқсиз маҳалла тизимини ҳисобга олганда, давлат билан оддий халқнинг мулоқоти бутунлай чеклаб-чекларанган ҳолатда эди.

Ўз навбатида, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлган халқ билан бу тақдир ўртадаги муносиб, уларни тинглаш, тақдир ва ташаббусларини эшитиш, масалаларга шундан келиб чиқиб ечим излаш механизмлари йўқлиги ҳудудларда қўлаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтирди. Энг ёмони, одамларимизда юрт тақдир, жамият ривожига нисбатан дахлдорлик ҳисси кескин пасайди, ҳар қандай масалани “давлат ҳал қилади” деган қараш устуворлашди. Иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлигининг асоси бўлган тадбиркорлик, хусусий бизнесга қўйилган сунъий чекловлар, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар шу йўналишда ишлашга мойиллиги бўлган, шунга яраша салоҳиятга эга қўлаб юрдушларимиз қалбига ҳадик соди, шижоатини қайтарди.

Шу боис, 2017 йилдан тизимли давлат этиб келатган шиддатли ислохотлар, тарихий янгилаштирилган инсон қадрини улуғлаш, халқ билан тўғридан тўғри мулоқотни йўлга қўйишдан бошланди. Бу борада, айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган

шахсларни қўлаб-қувватлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар ҳаётга таъбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Хусусан, кам таъминланган оилаларга нафақа белгилаш асослари аниқ қилиб қўйилди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ишга туширилиб, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш бошланди. Бу жараёнда очиқлик, тенглик, адолат тамойилларига қатъий амал қилиш вазифи белгиланди.

“Имконияти чекланган кишилар” деган тушунча давлат ва жамиятнинг ногиронларга бўлган тор, бир ёқлама муносабатини ифодалаб келган бўлса, янги ислохотлар даврида, аввало, қонунийлик ўзгарди, “ногиронлиги бўлган шахслар” тушунчаси юзага келди. Шу асосда давлат ва жамият ногиронларга имконияти чекланганлар деб эмас, балки шахс сифатида муносабатда бўлишга ўтди. Бу муносабат унинг ҳуқуқлари тан олингани ва рўёбга чиқиши учун имконият яратилаётганини аниқлади.

Ана шундай муҳим ислохотлар самараси ўлароқ, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш қўлами ва турларини кенгайтиришга эришилмоқда.

Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари 2 баробар ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар қўлайди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди. Бу рақамлар нафақага қўлаб-қувватлаш сони ортганини эмас, балки эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий ҳимоя этиб бораётганини аниқлади.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд қатлами ҳуқуқлари давлат эҳти



моясидда бўлиши белгилангани соҳадаги ислохотларни янада кенгайтиришга замин яратди. Шунга мувофиқ, 2023 йил 1 июнда аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш бўйича фармон қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.



Бу жараёнда, энг аввало, ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этишга эътибор қаратилди. Барча ҳудудларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, маҳаллаларда 102 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилди.

Масалан, олдин одамлар биргина протез учун ҳар хил комиссиялар ва поликлиникада икки ой сарсон бўлган бўлса, ҳозир бу масала икки ҳафтада маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда. Натижада 100 минг одамнинг оғир енгил бўлди. Ёки бўлмаса, ногиронлиги бор болаларга қараб туриш хизмати йўлга қўйилиб, мурожатлар маҳаллада қабул қилинапти. Бу биргина жорий йилнинг ўзида 700 нафар ота-онанинг ишлашга шароит яратди.

“Маҳалла еттилиги” таркибида ижтимоий ҳодим лавозими жорий этилгани ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Улар оилалар билан алоҳида ишлаб, муҳтож-

Мазкур жараёнда “маҳалла еттилиги” ва банклар ҳамкорлигида 754,5 мингдан зиёд аҳоли бандлиги таъминланди. Сайхунбод, Зарбдор, Гиждувон ва Уйчи туманлари тажрибали асосида 4,7 миллионга хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили бўйича 2,8 миллионга хонадонда қўшимча даромад олиш имконияти яратилди.

“Еттилик” аъзолари уйма-уй юриши натижасида инфратузилма билан боғлиқ аниқланган 278 мингдан ортқ муаммодан 93 фоизи ҳамда аҳолининг ижтимоий масалаларига оид аниқланган 201,5 мингга яқин муаммодан 95 фоизи ҳал этилди.

Яна бир муҳим жиҳати, маҳалладаги барча ижтимоий хизматларни босқичма-босқич ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси орқали тақдим этиш йўлга қўйилди. Бу жараёнда хизмат кўрсатувчи ҳам, ёрдам олувчи ҳам ўзига мажбурият олади. Энди нафақа олувчилар рўйхати, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узоқ муддат ишлаш олмайдиганларнинг оилалари киритилмоқда. Бошқа фуқароларни “ижтимоий реестр”га киритишда уларнинг фақат даромади эмас, балки харажатлари ҳам баҳоланапти.

Айни йўналишдаги ишлар туфайли ижтимоий ҳодимлар уйма-уй юриб, шу йил реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтож шахсга ёрдам кўрсатди. 51 минг нафарига ногиронлик белгиланди, 26 минг нафари протез олди. Ётиб қолган 4 минг ёлғиз кекса аниқланди, уларга уйда парвариш ташкил этилди. Ногиронлиги бор 5 минг бола боғча-мактабга жойлаштирилди. Бундай манзилли ишлар туфайли Халқ қабулхоналари ва ҳокимликларга ижтимоий хизмат ва ёрдам бўйича мурожаатлар 35 фоиз камайди.

Бу йўналишда маҳаллаларда ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг 11 ойи давомида 25 та йўналиш ва 401 та кўрсаткич асосида 9452 та маҳалла, 208 та туман (шаҳар), 14 та ҳудуд ҳамда республика баланси шакллантирилди. Бу орқали аҳоли муаммоларини бартараф этиш бўйича “йўл харитаси”, “омбор китоби” ва бандлик дастури ишлаб чиқилди.

Камбағаллик омилларини ўрганиш учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалаларида ягона саволнома ишлаб чиқилди. Шу асосда оилаларнинг имкониятлари баҳолашиб, уч тоифага ажратилди. Ҳар бир оилани индивидуал ёндашилди, “оёққа туриши”га кўмаклашилмоқда. Шу тахлит камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати ҳам шакллантирилди. Ҳар йили 50 та маҳалла танлаб олинди, улар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб борилапти.

Эгулик йўналишда бу ишлар самараси кўп куттирмади: уч ой олдин вилоят ва туманлардаги 14 минг раҳбар 75 мингта камбағал оилани бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Натижада бу оилалардаги 17 минг одам доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик ва томорқа орқали 14 минг ижтимоий даромади оширилди. 30 минг бола боғча, тўғарак ва касбга ўқитиш билан қамраб олинди, 45 минг муҳтож аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилди.

Яна бир жиҳат, ҳар йили камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган маблаг 40 турдаги молиявий восталар орқали, 10 га яқин идора томонидан берилиб, ягона ёндашув йўқ эди. Шу боис, бу борада янги тизим

### Фаровонликка етаклаётган дастур ва лойиҳалар

Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида камбағалликни қисқартириш босқичидан ўтади. Ўзбекистон ҳам 2020 йилда аҳолининг муайян қисми камбағал эканини тан олиб, уларга мадад беришга киришди. Молиявий ташкилий чоралар қўрилиб, тизим жорий қилинди. Бу ўз самарасини беряпти. Хусусан, узоқ йиллар оғир вазиятда бўлган 3 миллиондан зиёд одамнинг шароити яхшиланди. Камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизга тушди.

Келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 7 фоизга тушириш мақсад қилинган. Шу боис, айна йўналишга доир таҳлиллардан келиб чиқиб, камбағалликни аниқлаш мезонлари ва манзилли рўйхати шакллантирилди. Жумладан, унга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги ҳамда камбағалликка тушиш хавфи юқори бўлганлар киритилди.

Камбағаллик омилларини ўрганиш учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалаларида ягона саволнома ишлаб чиқилди. Шу асосда оилаларнинг имкониятлари баҳолашиб, уч тоифага ажратилди. Ҳар бир оилани индивидуал ёндашилди, “оёққа туриши”га кўмаклашилмоқда. Шу тахлит камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати ҳам шакллантирилди. Ҳар йили 50 та маҳалла танлаб олинди, улар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб борилапти.

Эгулик йўналишда бу ишлар самараси кўп куттирмади: уч ой олдин вилоят ва туманлардаги 14 минг раҳбар 75 мингта камбағал оилани бириктирилиб, улар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилди. Натижада бу оилалардаги 17 минг одам доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорлик ва томорқа орқали 14 минг ижтимоий даромади оширилди. 30 минг бола боғча, тўғарак ва касбга ўқитиш билан қамраб олинди, 45 минг муҳтож аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилди.

Яна бир жиҳат, ҳар йили камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган маблаг 40 турдаги молиявий восталар орқали, 10 га яқин идора томонидан берилиб, ягона ёндашув йўқ эди. Шу боис, бу борада янги тизим

яратилиб, маблаг ҳудуд, туман ва маҳаллар кесимида камбағал оилалар сонидан келиб чиқиб тақсимланиши йўлга қўйилди.

Бу жараёнда маблаг, биринчи навбатда, оилани камбағалликдан чиқаришга йўналтирилди. Ўз навбатида, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар ижроси бўйича маҳалла ва туман, вилоят ҳамда республика даражасида мониторинг ташкил қилиниб, жамоатчилик назорати кучайтирилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида ўтган давр мобайнида 208,5 мингга яқин оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2,4 фоиз қисқарди. Камбағаллик даражаси энг юқори бўлган мингта маҳалла танлаб олинди, уларни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Энди бу йўналишдаги хайрли ишлар янада кенгайди. Аввало, келаси йил 1 миллион 200 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-ҳунар, тиббиёт масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш зарур.

Бундан ташқари, камбағаллик юқори бўлган мингта маҳаллада биттадан оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилди. Янги йилдан оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилинади ва боғча тўлови қисман қўлаб берилди. Камбағал оила фарзандларининг ўқиб, ҳаётини ўнглаши учун 118 минг нафари чет тили, ахборот технологиялари ва касб-ҳунарга ўқитилди. Бу тўғараклар харажати 80 фоизгача бюджетдан қопланади.

Камбағал оилалардаги ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг одамга ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки болалари қараб ўтирибди. Келгуси йилдан маҳалладаги ижтимоий ҳодимлар ва хусусий сектор иштирокида бу одамларнинг 19 мингига уйда ва 4 мингига кундузги қатнов асосида қараб туриш йўлга қўйилди. Натижада бу билан банд бўлган 15 минг аҳолининг қўли бўшаб, ишлаши мумкин бўлади.

Яна бир муҳим янгилик: эндиликда ижтимоий дафтарлар маблагни фақат камбағал оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш, тиббиёт, таълим хизматларини кўрсатиш ва даромадини оширишга сарфланади. Адолат бўлиши учун бу маблаг тумандаги камбағаллар сонига қараб тақсимланади. Шу билан бирга, дафтарлар маблағининг 30 фоизи маҳалладаги уй-жой, йўл, сув ва электрни яхшилаш учун ишлатилади. Ва маҳалларда инфратузилмани яхшилашда яна бир имконият саналади.

Айна жараёнда “еттилик” масъулиятини зиммасига олиши, жамоатчилик назоратини тизимли ташкил этиши зарур. Кимнинг нимага муҳтожлигини маҳаллада бошқа бир яхши билмайди, шундай экан, ҳақиқий эҳтиёжмандларни дафтарларга киритиш, манзилли ёрдам кўрсатиш ишларида фаоллик талаб этилади. Камбағал оилалар учун яратилаётган имкониятларни уларга етказиш, ундан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳам асосий вазифамиздир.

Маҳалла фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши меҳнат миграциясида юрган ватандошларимизнинг ҳолидан хабар олиш, оилаларни қўлаб-қувватлашдир. Зеро, оила, рўзгор ташвиши вақтидан юртдан олис юрганлар, ҳалол меҳнати билан пул топаётганлар ҳам шу ватан, шу маҳалланинг фарзандлари. Улар билан суҳбатлашиб, бир оғиз “Ишинг қандай?”, “Қийналимаяпсани?”, “Юртга қайт, сенга кўмак берамиз”, дейишнинг ўзи аслида катта мурувват.

Шундан келиб чиқиб, “еттилик” аъзолари анкета-сўровнома асосида миграциядаги фуқароларни ҳалтовдан ўтказди. Миграция баланси шакллантирилиб, “Рақамли маҳалла” платформасига киритилди. Миграциядаги 1,2 миллион фуқаронинг 86 фоизи билан оилавий мулоқот қилиниб, қарийб 419 минг нафари юртга қайтарилди, яримдан қўли ишга жойлаштирилди. Бу орқали олис юртда оила соғини билан ишлаб юрган шунча фуқаронинг рўзгориغا қувонч кирди.

Умуман олганда, ўтаётган ҳар бир кун саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтириш, халқ розилиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш фурсатикир. Зеро, донишмандларимиз айтганидек, бу дунёда одамларга эгулик улашиб яшаيدиган кўра улғ ва савобли иш йўқ. Ана шу ҳикматга амал қилиб яшасак, ишимизда натижа бўлади, халқимизнинг ишончини албатта оқлайми.

### 25-26 декабрь кунлари таъриф доирасида мамлакатимиз етакчиси МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий икитисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этади.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили МДХнинг аънавий саммитларида иштирок этиб, Ўзбекистон ҳамдўстлик мақсад ва вазиғларига содиқлигини намойиш қилмоқда. Бундай форматларда иштирок этиш республикага яқин шериклар билан фаол ҳамкорлик, кун тартибидидаги долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилиш ва ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган тақдирларни илгари суриш имконини беряпти.

## ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИКНИ ИЗЧИЛ МУСТАҲҚАМЛАМОҚДА

### Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев амалий таъриф билан Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлади

Ўзбекистон учун МДХдаги ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий шериклик муҳим ўрин тутди. Республика экспорт-импорт муносабатларини фаол ривожлантириб, миллий маҳсулотларни сотиш бозорини кенгайтирмоқда, минтақанинг транспорт-логистика инфратузилмасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. МДХ давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш ҳамда Ўзбекистоннинг ишончли шерик сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил бўляпти.

Ўзбекистоннинг МДХ билан алоқалари Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлигига чамбарчас боғлиқ. Евроосиё иқтисодий иттифоқи Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон негизида тузилган халқаро интеграцион иқтисодий бирлашмадир. Иттифоқ 2014 йил 29 майда Остона шаҳрида (Қозғистон) Беларусь,

Қозғистон ва Россия давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартнома кучга кирганидан сўнг 2015 йил 1 январдан иш бошлади. 2015 йилда Арманистон ва Қирғизистон шартномага қўшилди.

Ўзбекистон 2020 йилда ЕОИИда кузатувчи давлат макomini олган. Куба ва Молдова ҳам ЕОИИда худди шундай мақомга эга.

Бирлашма низомига кўра, кузатувчи мақомига эга давлатлар ЕОИИ органлари йиғилишларида қарор қабул қилиш ҳуқуқисини иштирок этиши, шунингдек, Евроосиё иқтисодий комиссиясига мамлакат вақилини тайинлаши мумкин.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини ушбу форматда ривожлантириш миллий манфаатларга жавоб беради ва тенг ҳуқуқлик, шунингдек, иштирокчи давлатлар томонидан бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланади.



2024 йил: ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

## ЮТУҚЛАР, ВАЗИФАЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР



**Кўнғиротбой ШАРИПОВ,**  
олий таълим, фан ва инновациялар вазири

**Бошланиши 1-бетда**

Шунингдек, ўқув жараёнини тизимлаштириш ва замонавийлаштиришга қаратилган бу ўзгаришлар талабаларга танлаган соҳаси бўйича зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш имконини беради. Шу билан бирга, янги ўқув режа ва дастурлари асосида ўқитиш орқали ёшларнинг меҳнат бозорига рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Янгиланган “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қондалар” да кредит-модуль тизимига мос равишда аудитория ва мустақил таълим нисбати 50/50-40/60 фоизларда белгилади (олдинги стандарт бўйича бу нисбат 90/10 фоизни ташкил қилар эди). Ўқув жараёнида танлов фанлар салмоғи оширилди ҳамда талабаларнинг индивидуал таълим траекториялари жорий этилди. Жумладан, муҳандислик-техника соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг 45 та бакалаврият таълим йўналишидан бир-бирига яқин турдош таълим йўналишлари бириктирилди. 32 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 69 та магистратура мутахассислиги уйғунлаштирилиб, 66 та магистратура мутахассислиги қолдирилди.

Муҳандислик соҳасида мамлакатимизда етакчи олий таълим муассасаси бўлган Тошкент давлат техника университети томонидан Дрезден техника университети (Германия) ва Нагоя университети (Япония) дастурлари асосида муҳандислик таълим йўналишлари ўқув режаси йўналиши хусусиятига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди.

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб талабаларда амалий кўникмалар ва касбий компетенцияларни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқариш амалиёти тақомиллаштирилиши белгиланган. Ушбу жараёнда 15 ҳафталик малакавий амалиётни ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бу талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштиришига қаратилган муҳим қадамдир.

Муҳандислик соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари томонидан уларга бириктирилган корхона ва ташкилотлар базасида ўқув жараёни дуал таълим тизими асосида бошқичма-бошқич жорий этилмоқда. Ушбу тизим бакалаврият йўналишидан магистратура мутахассис-

ликларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этилди. Бу амалиётни ишлаб чиқариш жараёни билан янада мустаҳкам боғлаш ва мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади.

Мисол учун, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида 3- ва 4-курс талабалари учун ўқув жараёни дуал таълим тизими асосида ташкил этилади. Бу жараён таълим йўналишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, институтта бириктирилган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ўқитиш жараёнини тақомиллаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида Савдо-саноат палатаси, “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзчармсаноат” ва бошқа уюшмалар таркибидеги 20 дан орტიқ корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дуал таълим тизимига мувофиқ, ўқув жараёни икки қисмга бўлинади: 3 кун институтда назарий билим олинса, қолган 3 кун ишлаб чиқаришда амалий кўникмалар шакллантирилади. Бу ёндашув талабаларнинг назарий билими ва амалий кўникмасини уйғунлаштириб, меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассислар этиб тайёрлашга хизмат қилади.

Жорий ва келгуси йилги олий таълимдаги тенденциялардан яна бири муҳандислик, техника соҳаларида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини тақомиллаштиришидир. Бунда ҳудудий жойлашуви ва кадрлар тайёрлаш ихтисослашуви жиҳатидан яқин бўлган олий таълим муассасалари ўзаро бириктириш орқали оптималлаштирилмоқда. Жумладан, 11 та олийгоҳ негизда 4 та янги университет ташкил этилди. 2024 йили Термиз муҳандислик-технология институти ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини бириктириш орқали улар негизда Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети, Андижон машинасозлик институти, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Андижон факультети негизда Андижон давлат техника институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамда Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиали негизда Қарши давлат техника университети ташкил этилди.

Келгуси йилларда ҳам муҳандислик соҳасидаги олий таълим муассасаларини йирик-лаштириш ва халқаро талабаларга мос ўқитиш дастурларини кенгайтиришни давом эттирамиз. Бу, айниқса, саноат ва техника соҳасидаги мутахассисларни сифатли тайёрлашда катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш, “тармоқ — корхона — олийгоҳ” занжири асосида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш ва илмий фаолият самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳамда республика олий таълим муассасаларида олий муҳандислик мактаблари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бухоро муҳандислик-технология институтида “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан ҳамкорликда “Кибернефтгаз” муҳандислик мактаби ташкил этилди. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари

институти” миллий тадқиқот университети Хитойнинг Qingdao аграр университети билан халқаро лойиҳалар доирасида “Барқарор ривожланиш” муҳандислик мактаби фаолиятини йўлга қўйди.

Ўзбекистондаги 7 та олий таълим муассасасининг 39 та таълим дастури халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтказилди. Бу жараён ушбу дастурларнинг жаҳон стандартларига мослигини тасдиқлаб, талабаларга замонавий ва рақобатбардош билим олиш имконини беради. Халқаро аккредитацияга эга дипломлар хорижда кенг тан олинши туяфайли битирувчилар халқаро меҳнат бозорига юқори мавқега эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, етакчи ОТМларнинг 500 талигидан ўрин олган 9 та нуфузли хорижий олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда 15 та қўшма таълим дастури йўлга қўйилди. Бундай дастурлар талабаларга икки томонлама диплом олиш, нуфузли университетларда ўқиш ҳамда халқаро тажрибага эга бўлиш имкониятини тақдим этади. Қолаверса, ушбу қўшма дастурлар талабаларнинг глобал фикрлаш қўбиллигини ривожлантириб, янги технология ва инновацияларни ўзлаштиришга йўл очади. Бу қадамлар нафақат талабалар ва олийгоҳлар, балки мамлакатимизнинг умумий тараққиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари халқаро рейтингларда мавқенини мустаҳкамлаб, ўқитиш сифати ва нуфузини янада оширмоқда. Юртимизнинг икки нуфузли олийгоҳи дунёдаги энг обрўли рейтинглардан бири бўлган QS халқаро рейтингни рўй-



қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети 601-800-ўринлар орасида ўз мавқенини мустаҳкамлади. Ўзбекистон Миллий университети 1001-1200-ўринлар орасидан, Тошкент ахборот технологиялари университети 1501+ тонфадан жой олди. Шунингдек, 48 та олийгоҳ “даъвогар” мақоми билан рўйхатга киритилгани

саъй-ҳаракатларини рағбатлантиради. Мазкур ютуқлар Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар ва инвестициялар самарали амалга оширилаётганидан далолат бермоқда. Келгусида юртимиздаги 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 талигига киритиш мақсад қилинган бўлиб, бу ёшларнинг жаҳон стандартларига мос билим олиш имкониятини кенгайтириб, мамлакатнинг глобал академик майдондаги нуфузини оширади.

Таълим сифати ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳам мазкур мақсадларга хизмат қилади. Хусусан, жорий йилда 4970 профессор-ўқитувчи хорижда малака ошириш учун йўланма олди. Мамлакатимизда таълимнинг халқаро даражадаги талабаларга мувофиқлигини таъминлаш учун хорижда малака олтирган ёки стажировка ўтатган профессор-ўқитувчилар улушини 20 фоиз оширишни режалаштирганмиз. Бу жараён мутахассисларнинг халқаро тажриба алмашиши ва янги билимларни эгаллаши, замонавий таълим усуллари ва инновацияларни ўзлаштиришига хизмат қилади. Улар чет элда таълим ва тадқиқотлар соҳасидаги энг сўнгги тенденцияларни ўрганиб, Ўзбекистонга қайтган, олий таълим тизимини янада ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Шунингдек, хорижлик 2500 дан зиёд профессор-ўқитувчи Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари ўқув жараёнига жалб этилди. Бу талабаларга халқаро даражада билим ва кўникмани эгаллаш имконини тақдим этмоқда. Ёшлар нафақат маҳаллий, балки халқаро тажрибалардан фойдаланиши мумкин. Бу жараёни ривожлантириш мақсадида юртимиз олий таълим муассасаларига жалб қилинган хорижлик профессор-ўқитувчилар улушини 12 фоизга етказишни мақсад қилганмиз. Токи талабаларнинг халқаро билим ва тажрибадан хабардорлик имкони янада кенгайсин.

Талабаларнинг билим олиши ва академик ютуқларга эришиши учун олийгоҳларимиз инфратузилмаси замонавий бўлиши муҳим. Сўнгги йилларда қилинган ишлар натижада олий таълим муассасалари инфратузил-

маси сезиларли даражада мустаҳкамланди. Жорий йилда давлат олий таълим муассасаларида 27 минг 364 ўринли талабалар турар жойи ва 10 минг 500 ўринли ўқув бинолари барпо этилди. Бу ёшларга қулай ва барқарор таълим муҳити яратили, уларнинг талабалар шахарчасидаги ҳаётини анча енгиллаштиришга хизмат қилади.

Талабаларга хизмат кўрсатишда замонавий ахборот технологиялари билан фаолиятни тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат олий таълим муассасаларининг барча бошқич талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш тўлиқ рақамлаштирилди. Бу жараён автоматлаштирилиши натижасида талабалар ўз яшаш жойини масофадан банд қилиш ва жойлашиш имконига эга бўлди. Шунингдек, талабалар ва ота-оналарнинг вақтини тежаш, жараённинг аниқ, ўз вақтида амалга оширилиши бу йўналишдаги коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

2025 йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Йил номидан келиб чиқиб, олий таълим тизимида ҳам қатор ташаббусларга қўл уришни режалаштирдик. Ушбу йил дастурида “яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожияси оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этиши зарурлиги таъкидланди. Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Яшил олийгоҳ” лойиҳасини амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Шу сабабли мамлакатимиз олий таълим муассасалари халқаро талабаларга жавоб берадиган барқарорлик ва экологик самарадорлик кўрсаткичларини белгилайдиган “Харакатлар режаси” ишлаб чиқилди ҳамда ушбу режани шакллантиришда GreenMetric халқаро рейтинг тизимининг баҳолаш мезонларига таянildi.

Хўш, нима учун GreenMetric халқаро рейтингига алоҳида аҳамият қаратилди? Гап шундаки, олийгоҳлар бу рейтингга иштирок этиш орқали таълим муассасаси инфратузилмасини яхшилаш, энергияни тежаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, транспорт тизимини тақомиллаштириш, таълим ва тадқиқот фаолиятини уйғунлаштириш ҳамда талабалар ва ходимлар ўртасида “яшил” маданиятни шакллантириш имконига эга бўлади.

Шу боис, 2025 йил давомида олийгоҳларнинг GreenMetric халқаро рейтингига иштирокини таъминлаш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали йил якунида мазкур халқаро рейтингнинг баҳолаш мезонлари асосида миллий рейтингни шакллантириши ҳам мақсад қилинди.

2024 йилда Ўзбекистон олий таълим тизимидаги ислохотлар ва эришилган ютуқлар ўқитиш сифатини ошириш, халқаро стандартларга мос мутахассислар тайёрлаш ва глобал академик майдондаги нуфузимизни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлар бўлди. Олий таълим муассасалари инфратузилмасини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва таълим дастурларини замонавийлаштириш орқали ёшларимизга жаҳон стандартларига мос билим олиш имконияти яратилди. Келгусида ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги ютуқлари мустаҳкамланаверади.



хатига кирди. Жумладан, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети рейтингини 547-ўринга эгаллаган бўлса, Ўзбекистон Миллий университети 781-790-ўринлар орасидан жой олди.

Бундан ташқари, Times Higher Education ташкилоти томонидан эълон қилинган World University Rankings-2025 рейтингини ҳам мамлакатимиз олийгоҳлари муносиб ўринга эга бўлди. “Тошкент ирригация ва

ҳам уларнинг халқаро рейтингларда ўрнини мустаҳкамлашга интилаётганини кўрсатади.

QS Asia University Rankings-2025 рейтингини Ўзбекистоннинг 23 та таълим муассасаси ўрин олгани эса мамлакатимиз таълим тизими халқаро даражада эътироф этилаётганининг ёрқин намунаси. Бу рейтинглар олийгоҳларнинг халқаро майдонда тан олиншига хизмат қилиш билан бирга замонавий таълим тизимини йўлга қўйишдаги

**Келгусида юртимиздаги 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 талигига киритиш мақсад қилинган бўлиб, бу ёшларнинг жаҳон стандартларига мос билим олиш имкониятини кенгайтириб, мамлакатнинг глобал академик майдондаги нуфузини оширади.**

**Таълим сифати ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳам мазкур мақсадларга хизмат қилади. Хусусан, жорий йилда 4970 профессор-ўқитувчи хорижда малака ошириш учун йўланма олди.**

**Дуал таълим тизимига мувофиқ, ўқув жараёни икки қисмга бўлинади: 3 кун институтда назарий билим олинса, қолган 3 кун ишлаб чиқаришда амалий кўникмалар шакллантирилади. Бу ёндашув талабаларнинг назарий билими ва амалий кўникмасини уйғунлаштириб, меҳнат бозорига рақобатбардош мутахассислар этиб тайёрлашга хизмат қилади.**

**Ўзбекистондаги 7 та олий таълим муассасасининг 39 та таълим дастури халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтказилди. Бу жараён ушбу дастурларнинг жаҳон стандартларига мослигини тасдиқлаб, талабаларга замонавий ва рақобатбардош билим олиш имконини беради.**





Муносабат

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА САЛОҲИЯТ ҲАМ, ИМКОНИЯТЛАР ҲАМ КЕНГ

Сабир ХОЖАМЕТОВ, Амурдарё тумани ҳокими

Бугун Қорақалпоғистонни ҳар томонлама комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу борада кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биргина Оролбўйини тараққий эттириш мақсадида Президентимизнинг 10 дан ортиқ фармон ва қарори имзоланди. Аини пайтда мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳудуддаги мислсиз ўзгаришларда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



чорва озукиси ва кунжут экишни йўлга қўйиш ҳисобида 6,5 триллион сўмлик тўш ва сут етиштириш, кунжутдан экспортни 500 миллион долларга кўпайтириш мумкинлиги ҳақида сўз юритилди.

Шу билан бирга, ҳудудда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги самарадорликни ошириш зарурлиги таъкидланиб, сугориладиган ерда жами 3 минг гектарда санатлашган боғ ва тоқорлар барпо қилиниши, 31 минг гектарда кунжут, 22 минг гектарда мош экиб, экспортга йўналтирилиши, 30 минг гектарда қизилмеши экиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиши белгилан берилди.

Президентимиз Қорақалпоғистонда 3 та асосий йўналиш — қишлоқ хўжалиги, саноат ва туризмни ривожлантириш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилишини қайд этди. Мазкур тузилма ҳар бир тумanning ўсиш нуқталарини таҳлил қилиб, қандай экинларни етиштириш, ердан даромадни кўпайтиришга ёрдам бериш, хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича лойиҳалар тайёрлаб, ҳокимларга етказиши, янги туризм йўналишларини очиб ва уларга инфратузилма олиб бориш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиши хусусида сўз юритди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йилдан буён ишлаб келаётган мутахассис сифатида Қорақалпоғистон шартотида қандай экин экилса, мўл ҳосил олиш мумкинлигини яхши биламиз. Иқлим шароитимизга мос келадиган маҳсулотларни етиштириш орқали аҳоли дастурхонини тўқин-сонин қилишимиз мумкин. Имкон даражасида сувни иқтисод қилдиган экинлар экиш, чорвачилик учун ем-хашак тайёрлашда илмий ёндашувлар самара беришига ишонамиз. Президентимиз айтган устувор вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятимизни янада ошириб, бор куч-тайратимизни сафарбар қиламиз.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Нуқтаи назар

ТАБИАТГА МЕҲР БЕРИШ ЎЗИМИЗГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШДИР

Баҳодир ХОЛИҚОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори в.б.

2025 йилга Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили деб ном берилгани мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янги босқич вазифасини ўтади. Бу ташаббус орқали юртимиз нафақат экологик вазифаларини ҳал қилади, балки барқарор ривожланишга эришишда янги имкониятлар эшигини очади. Ўзбекистондаги экологик вазият, афсуски, қатор муаммолар билан боғлиқ.



Афғонистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғиз Республикасининг деҳқончилик учун фойдаланиладиган ерини ҳам сугорайди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиладиган ерда собиқ иттифоқ ҳукмронлиги даврида қиммий ўғит ва пестицидлар меъёридан ортиқ ишлатилган. Бунинг оқибатида тупроқнинг биологик таркиби қаттиқ зарар кўрган, далалар шўр босиб, эрозияга учраган. Бу деҳқончиликда ҳосилдорликнинг камайишига олиб келди. Энг ёмони, биз учун зарур табиий ресурслар камаймоқда. Урмон ва чакалакзорларнинг сунъий равишда йўқотилиши, кўп миқдорда дарахтар кесилиши, тупроқнинг шўрланиши табиатга катта зарар етказмоқда.

Учинчидан, тоза ҳавонинг захарли газ билан ифлосланиши даражаси ошиб бормоқда.

Бир маҳалма — бир маҳсулот

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз халқро форум ва мулоқотларда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.



Ўрта Чирчиқлик Мухтор ака Хўжамқулов ҳовлисидagi кичик бинони, аслида, жўжа боқишга мўлжаллаб қурганди. Ўзи яшайдиган Дунган маҳалласида кўзиқорин етиштирадиганлар билан танишиб қолди-ю, шу ишга кўнгли кетди. "Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди" нақлига амал қилдиганлардан эмасми, шартта ҳаракатни бошлаб юборди. Қолаверса, бўш турган бино ҳам айни кўзиқоринбоқ экан. Ҳоким ёрдамчиси Элёр Бердиқулов кўмаги билан "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури доирасида имтиёзли кредит олди. Шогирд устоздан ўзибди, деганларидек, интернетдан кўзиқориннинг юқори ҳосилили "Вешанка" навини етиштиришни ўрганди.



ТОМОРҚА — КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ

5000 дан зиёдроқ қопда парвартишланган кўзиқоринлар кунга икки маҳал осма қувурдан сув ичади. Уч ўғилнинг бири шу билан банд, тирикчилиги ўтиб турибди. Ҳосилнинг килоси 25-30 миңдан сотилади. Сотилган эса муаммо йўқ. Дўконлар, супермаркетлар билан шартнома тузилган, кўтарасига олиб кетилади. Ёпиқ бинода, айниқса, хонадонда етиштирилган кўзиқориннинг бозори чаққон бўлиши турган гап.

— Меҳнатга лаёқат, даромад олишга интилиш инсоннинг ўзида бўлиши керак экан. Акс ҳолда, миңг ҳаракат қилманг, бари бейфойда. Яқинда Президентимиз ҳам паркетли тадбиркор аёл билан сўхбатдида "Ҳамама сизга ўхшаб меҳнат қилса, камбағал ҳам, ишсиз ҳам бўлмайди", деди-ку. Тўғри-да, ҳар бир оила ўзини ўзи банд қилиб, рўзгорини тебратиб турса, камбағаллик бўлмайди. Худода шукр, маҳалламиздаги деярли ҳар бир уйда иссиқхона қурилган. Корейс қарами экиб, 60-70, ҳатто 100 миллион сўмгача даромад топаётган оилалар бор, — деди Мухтор ака. — Шундай бўлса-да, кўзиқоринчиликка ҳам қизиқиб, шу фаолиятни бошлайман деганларга иш ўргатиб, экиб беришга ҳам вақт топанам.



ЕР ЧАРЧА ҚОЛМАЙДИМИ?

Сўхбатдошимиз корейс қарамидан сўз очганида, салқин тушиши билан савдо рўстларида ёқимли ҳид таратиб турган чимчи тузламалару турфга салатлар кўз олдимиздан



ўтди. Аини қишда ҳам ҳар қандай овқат билан кетавердиган бундай маҳсулотлар учун хомашё етказиб бераётган миришкорлар билан сўхбатлашимиз келди. "Ўйгур" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Воҳид Рамазоновдан бу борада илғор тажрибалардан тавсия қилишини сўраган эдик, "Қайси бирини айтсан экан-а?" деб ўйланиб қолди. Қарангки, раиснинг ўзи ҳам тиниб-тиничмаган одам экан. 2,5 сотих томорқасидаги иссиқхонадан камида 3-4 марта ҳосил олишни эшитиб, ҳавасимиз келди. 3000 дан зиёд аҳолиси бўлган маҳаллада 700 дан ортиқ хонадоннинг деярли 600 таси экин экар, 500 га яқинида иссиқхона бор экан. Воҳид ақанинг усти очик иссиқхонасида қор остида кичикроқ қосадай бўлиб яшнаб турган гулқарамни кўриб кўз қувнади. Раис назарбекликлардан олиб келиб экгани — янги голландия навини атайин қор остида қолдириб, совуққа чидамиллигини синаятганини айтди.

— Маҳалла аҳли ҳаммамиз тезпишар экинларни экамиз. Ердан унумли фойдаланиш керак-да ахир. Даромадимиз шундан. Уйдаги иссиқхонага корейс қарамидан кейин гулқарам эдик. Гулқарамни йиғиштириб олиб, оқ туруп, сўнгра айбегр эдик. Сиз кўриб турган гулқарам бешинчи экинимиз, — деди Воҳид ака.

— Бунақадда ер чарча қолмайди-ми? — дедик ажабланиб.

— Ҳар йили брокколи уруғи униб, катта бўлгунча ерларимиз дам олади. Январь-февралдан яна экин экилаверайди. Ерга ҳам озукча бериб, вақтида сугориб турилса, у бор меҳрини беради. Кўпчилик ўйлаганидек, сув ҳам муаммо бўлмайпти. Деярли ҳамма экинзимизга томчилатиб сугориш қўл келаяпти. Томорқадан ташқари бутғой ўрнидан ҳам ер оламиз. Бу йил у ерга брокколи эдик. Килосини 18-20 миңг сўмдан улгуржи сотамиз. Мижозларнинг ўзи узиб олади. 1,5 килогача бўлган қарамларимиз экспортга кетади. Қолганини ички бозорда донасини 7-8 миңг сўмдан сотамиз. Қўйлиқ бозорими, "FOOD city"га олиб борамизми, сарсон бўлмаймиз. Айниқса, "FOOD city"

қулай бўлиб қолди. Замонавий совиткичлар бор. Хуллас, ҳосилини йиғиб олсак бўлди, харидор кўп. Маҳалладаги 45 нафар ёшга 30 сотихдан ер берилгани ҳам уларни қўллаб-қувватлашнинг яхши йўли. Фахриддин Ғуломов, Арабон Тўхтаназаров сингари ёшлар билан қачонки кучини шу ердан даромад олишга сарфлаяпти. Аслида, мақсад ҳам шу. Ишсизлик бартараф этилса, камбағаллик даражаси камаяди, фаровонлик ортади.

Президентимиз раислигида маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича қилинган ишлар сарҳисоби ва 2025 йил учун устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2025 йилда 5 миллиондан зиёд аҳолини даромадди қилиш, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш ҳисоб-китоб қилингани айтилди. Тадбиркор оилаларга ёрдам бериш, маҳаллага тушиб ишлаш раҳбарлар фаолиятининг муҳим мезони бўлиши, одамлар ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилмаган раҳбар ишлаганлиги таъкидланди. Бу эса йўлни топа олмай юрган айрим ёшларни бирон-бир даромадди ишга йўналтириши билан аҳамиятли.

ТУПРОҚ БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Ёш деҳқон Фахриддин Ғуломов билан сўхбатлашганимизда, ўтган йили ҳам ишсиз ёшлар қаторида бўлганидан гап бошлади. Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етказиши унга имтиёзли ер олишни тақлиф қилганида, йўқ демаганидан хурсанд. Ахир деҳқончилик ота мерос, ишдан қочмайидиган йиғит. Экинни сал кечроқ эккан бўлса-да, 30 миллионга яқин даромад олди. Чунки биринчи йил ерга тўлов қилмади, ҳеч қандай солиқ ҳам тўламади. Энг қувонарлиси, ишлаб толган даромади ўзининг тўйига сарфланди. Ҳозир уйдаги иссиқхонада 17 миңга брокколи кўчатини тайёрлаб қўйган Фахриддин уларни декабрдаёқ эмкоқи эди. Қор ёққани босиб, бир оз кўтиб турибди. Унинг айтишича, уруғининг донаси 250 сўмдан олинандиган брокколи кўчати 1000 сўм, ундан қимматроқ ҳам сотилади. Кўчат етиштириб ҳам яхшигина даромад олиш мумкин. Бу сабаб хоти эккан одам эса меҳнатдан толмайди. Плёнка остига экиладиган брокколи ариқча сув келгунча ёмғир, қор билан озқиланди туради. Бошқа экинларга қараганда меҳнат ҳам кам. Бир-икки марта чопилди, ўғит кам ейтиди. Плёнка остида бўлгани учун очикқа экилганидан 15-20 кун олдин пишади. Қимларди "Ҳамал келди" — амал келди" деб томорқасига биринчи экинни эка бошлаган апрель ойида Фахриддиннинг ҳосили пишиб етилади.

— Ҳисоблаб қиксам, деҳқончиликдан бир йиллик иш ҳақидан кўпроқ даромад толар эканман. Агар уч марта ҳосил олсам, яхшигина маблағ бўлади. Брокколидан кейин корейс қарами, кейин гулқарам экишни режа қилиб турибман. Келажакда шу ишни янада кенгайтираман. Чунки Президентимиз туманлардаги кооперациялар яхши самара бераётганини айтди. Насиб қилса, мен ҳам кооперация ташкил қилиб, одамларга енгиллик беришга, халқимга наф келтиришга тайёрман, — деди Фахриддин.

Ўрта Чирчиқ туманининг Ўйгур маҳалласи одамларига чиндан ҳавас қилдик. Тупроқ билан тиллашадиган асл миришкорларга туғанмас куч-қувват сўрайди. Брокколидан чиқар эканмиз, лоқал бир бор экин экмай, томорқасини бегона ўтларга бериб қўйган боқибегамларнинг мана шундай кўшилари бўлса эди, деган ўй ўрта хаёлимиздан.

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Атроф-муҳит муҳофазаси глобал миқёсда катта аҳамиятга эга бўлгани сабабли Ўзбекистоннинг халқро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириши кўзда тутилган. 2025 йилда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. "Яшил" иқтисодиёт тамойиллари қишлоқ хўжалигида ҳам қўлланиши экотизмини сақлаб қолган ҳолда ҳосилдорликни оширишга ёрдам беради. Бунинг натижасида мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик таъминланади. Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт тамойилларига амал қилиш ижтимоий барқарорликка ҳам ҳисса қўшади. Одамларнинг саломатлиги яхшиланади, фаровонлиги юксалади.

Бу борада Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, институтининг янги ўқув биносига қуввати 220 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилди. Йиллик қуввати 440 миңг киловаттнинг ташкил этадиган бу панеллар орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортгани электр таъминоти корхонасига сотилмоқда. Шунинг ҳисобидан институтида йилга 396 миллион сўм маблағ иқтисод қилинапти. Бу каби ишлар институт филиаллари ва бошқа биноиншоотларда ҳам йўлга қўйилмоқда. Барча электр жиҳозлар замонавий, энергия тежовчи ускуналарга, чироклар тежамкорларига алмаштирилди. Электр энергиясини тежаш, ундан оқилона фойдаланиш, куз-қиш мавсумида ёгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш бўйича тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, муассасамиз ҳудудида "Яшил макон" умуммиллий дастури доирасида жорий йил баҳоридида 3000 туپ, куз фаслида 1500 туپ мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Кўчатларнинг зулуksиз парвартиш қилиниши назоратга олинган. Бу борадаги ишлар қўламини келгуси йилда янада кенгайтиришни мақсад қилганми.

Умуман олганда, Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили Ўзбекистондаги экологик ҳолатни яхшилаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, жамиятнинг экологик онги ва фаровонлигини оширишда гоят муҳим.







**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,**  
Ўзбекистондаги ислом  
цивилизацияси маркази директори,  
санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори

**Бошланиши 1-бета**

Яқинда Ўзбекистонлик бир гуруҳ олим ва тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иборат навбатдаги делегация Буюк Британияда бўлиб, қатор музей, кутубхона, тадқиқот марказлари билан яқиндан танишиди, уларда сақланаётган нодир манбалар, адабиётлар, қимматбаҳо ашёлар тўғрисида муҳим маълумотларни қўлга киритди.

Бирлашган Қироллик нафақат бақувват иқтисодийоти, илгор технологиялари, балки Британия, Викториа ва Альберт каби музейлари, қадимий кутубхоналари билан ҳам дунё ахлини ўзига ром этиб келди. Хусусан, Британия кутубхонасида жаҳон тамаддунининг нодир намуналари, кўп асрлик ёзма манбалар, жумладан, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид осори атиқалар сақланади.

Илмий ва ижодий сафаримиздан мақсад ана шу бебаҳо мерос дурдоналари билан яқиндан танишиш, улар сақланаётган муассасалар билан алоқа ўрнатилиш, олим ва мутахассисларимизга илмий изланишлар учун кенг йўл очилган кўмаклаштириш иборат эди.



бораётгани, бу борада илмий ва маданий соҳалардаги алоқалар муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Тадбирда Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Моърийддин халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Халқаро ислом академиясининг янги наشريлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўзбекистондаги ислохотлар, маданий меросимиз тарғиботида оид фильмлар намойиш қилин-

**Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш ва тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада буюк британиялик дўстларимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди.**

Бу ерда Ўзбекистон маданий меросига оид китоб-альбомлар кўргазмаси ташкил қилинди. Ўзбекистондаги марказлар томонидан нашр этилган китоблар Форс тадқиқотлари марказига ҳам ҳаёда қилинди.

Анжумандан сўнг марказ раҳбари Феруза Мелвилл иштирок учун олимларимизга алоҳида миннатдорлик билдириб, бундан кейин ҳам Ўзбекистон маданий меросини ўрганишга қаратилган лойиҳаларда фаол иштирок этишини билдирди.

**БУЮК СУЛОЛА МЕРОСИГА МУНОСИБ ЭЪТИБОР**

Делегациямиз Лондондаги Викториа ва Альберт музейида сақланаётган экспонатлар билан ҳам танишиди. Қадимий гиламлар, мейморлик намуналари, қошин парчалари, қабр тошлари, уй-рўзгор буюмлари бизда катта қизиқиш уйғотди.

Фақат бир нарсадан ранжидик. Афсуски, ҳамон жаҳон илмий жамоатчилиги бобурийларга нисбатан билиб-билмасдан “буюк мўғуллар” атамасини қўллашда давом этмоқда.

Мазкур музейда айни пайтда бўлиб ўтаётган бобурийлар меросига доир кўргазма ҳам “Буюк мўғуллар даври санъати” деб номланади. Унда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари — Акбаршоҳ, Жаҳонгир Мирзо, Шохжаҳон, Аврангзеб сингари ҳукмдорлар даврига тегишли нодир экспонатлар намойиш қилинмоқда.

Холбуки, асл ҳақиқатдан хабардор шахслар бу сулола темирлар хонадонига мансуб, фақат вазият тақозосига кўра Мовароуннахрнинг тарқ элиб, Ҳиндистонда марказлашган давлат барпо этган Бобур Мирзонинг авлодлари эканини эътироф этади.

Мулоҳазаларимизни тадбирларимизда

маротаба келганман. Аммо сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ташқи дунё билан алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Янги Ўзбекистон эшиклари барча ҳамкорлар қатори биз, хорижий тадқиқотчилар учун ҳам доимо очик эканидан мамнунми. Жумладан, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ҳамда Оксфорд Ислам тадқиқотлари маркази билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилган музокараларимиз кутилган натижаларни беришига ишонаман.

Тадбирда Оксфорд Ислам тадқиқотлари маркази вакиллари томонидан қатор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ислам дунёсининг ижтимоий ва илмий салохияти тарихи атласи” лойиҳаси тақдими ўтказилди.

Лойиҳада ҳар бир тарихий ҳудуднинг ислом оламида тутган ўрни, кашфиётлар, олимлар ҳаёти ва фаолияти, мусулмон ци-

вилизациясининг дунё илм-фанидаги ўрни сингари масалалар ўз аксини топади.

Низомий жаноблари бизга марказ кутубхонасининг ҳам кўрсатди. Китобларнинг асриятини унга отаси, машҳур тарихчи олим, бобурийлар даврининг етук билимдони Холик Аҳмад Низомийдан қолганини айтди. Биз ҳам кутуб-

китоб ҳошиясига лотин тилида қайтарилган китоб саҳифаларида усмонли турк тилида ҳам битиклар учрайди. Демак, бу қўлёзма анча вақт Усмонийлар саройи кутубхонасида сақланган. Катта эҳтимол билан “Зижи Қўрагоний”нинг ушбу нусхасини Истанбулда Али Қўшчининг ўзи олиб келган. Жон Грейвс 1640-1650 йиллардаги саёҳатлари асосида бу қўлёзmani қўлга киритиб, Оксфордга олиб келган. Кейинчалик Лондонда машҳур Гринвич Қироллик обсерваторияси қурилишида ҳам айнан шу асар асос бўлгани тахмин қилинади.

Учрашув чоғида Бодлеандаги буюк аждодларимизга тегишли бебаҳо қўлёзмаларнинг факсимиле наشريни чоп этиш учун уларнинг нусхаларини олиш бўйича ҳам келишиб олдик. Николас Контовасининг айтишича, бу қўлёзмалар нусхаси бизга бегараз тақдим қилиниши мумкин экан.



**МЕДИА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

Бугунги глобал ўзгаришлар замона, ахборот оқимида ҳоқ тежорликни талаб этади. Бу борада дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга.

**ҚАФФОЛ ШОШИЙ МЕРОСINI ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК**

Дастлаб Лондондаги қадимий қўлёзма ва тошбосма асарларни тадқиқ этиш ҳамда ка-

**Ҳаётини ташаббуслар қанотида**

**БУЮК БРИТАНИЯ:**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИЧА НИГОҲ**

талоглаштиришга ихтисослашган “Ал-Фурқон” фондида бўлди.

Фонд раиси Сали Шахсварий эски танишимиз. Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича жаҳон жамаияти (WOSCU) тадбирларида у билан кўп бор учрашганмиз. Жаноб Шахсварий жорий йилнинг 23-26 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган “Буюк аждодлар мероси — Учинчи Ренессанс асоси” халқаро конгрессида WOSCU бошқаруви кенгаши аъзоси этиб сайланган эди.

Ватанимиз тарихи, халқимиз маданиятига ҳурмати ва қизиқиши чексиз бу инсон билан навбатдаги учрашувимиз ҳам самарали кечди.

Сўхбат давомида у буюк ватандошимиз, машҳур фақир Қафқол Шоший ҳазратлари ҳақида меҳр билан сўзлади. Алломанинг фикрча оид, афсуски, бизда етарли даражада ўрганилмаган “Маҳосин аш-шариа” асари қўлёзмасининг дунё фондларидаги нусхаларини тадқиқ қилиш бўйича лойиҳасини тақдим этди.

Қафқол Шоший фикр, мантқиқ соҳаларига оид асарлар ёган. Бизгача ул зотнинг “Далом ан-нобува”, “Маҳосин аш-шариа”, “Шарҳ ар-рисола” каби асарлари етиб келган. Бу асарларнинг тадқиқ этилишида “Ал-Фурқон”нинг ўзига хос ўрни бор.

Сўхбат чоғида фонд билан Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, “Маҳосин аш-шариа”нинг нусхаларини жамлаш лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириш, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида манбашунос мутахассислар учун қўлёзмаларни каталоглаштириш ва тақимлаштириш бўйича ўқув семинарлар ташкил қилиш, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фондида сақланаётган қўлёзмалар каталогини ҳамкорликда нашр этиш каби масалалар бўйича келишиб олдик.

— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қадимий ёзма манбаларни ўрганиш, буюк алломалар меросини кенг жамоатчиликка етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор, — дейди Сали Шахсварий. — Август ойида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуман давомида ҳам бунга амин бўлган эдим. Биз Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда юртингиздан етишиб чиққан буюк алломалар қўлёзмаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар қиялмиш. Келгусида бу қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини яратиш режалаштирилган.

**ЭЛЧИХОНАМИЗДА ҚАБУЛ**

Лондоннинг Кенсингтон мавзесида, сўлим “Холланд парк” хиёбони қаршисидаги оппоқ бинолардан бирининг пештоқида Ватанимиз байроғи ҳиллаб турибди. Бу ерда элчиҳонамиз жойлашган.

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Равшан Усмонов ҳамда элчиҳона ходимлари бизни очик чеҳра билан қарши олди.

Ташриф кунлари бу ерда “Янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳадаги ислохотлар” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Британиянинг нуфузли эксперт ва илмий доира вакиллари, жамоат арбоблари, ватандошларимиз иштирок этди. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланиб

ди. Элчиҳона кутубхонасига ўзимиз билан олиб борган бир қанча китоб-альбомларни туҳфа қилдик.

Элчиҳонада Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази номидан меҳмонлар учун қабул маросими ташкил этилиб, дастурхонга миллий таомларимиз тортилди.

— Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамятидаги нуфузи ортиб бормоқда, — дейди Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси Реннард Мбе. — Бунда, албатта, мамлакатимизда юртилаётган очиклик сиёсати катта ўрин тутди. Тошкентта борганимда бунга шахсан ишонч ҳосил қилганман.

**КЕМБРИЖДА МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ТАҚДИМОТИ**

Лондондан 70 қақиримча масофада жойлашган, қадимий ва йирик университетети билан машҳур Кембриж шаҳарчаси бутун Европа тарихи ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Айни пайтда бу ерда кўпгина олимлар томонидан Ўзбекистон маданий мероси тадқиқ қилинади. Кембриж тўпламларида юртимиз тарихига оид қатор экспонатлар мавжуд.



**ЎЗБЕКИСТОН “ИСЛОМ ДУНЁСИ” АТЛАСИДА**

Оксфорд шаҳри кўп асрлик тарихга эга олий таълим тизими, университет ва коллежалари, музей ва кутубхоналари билан маълуму машҳур.

Оксфорд Ислам тадқиқотлари маркази шаҳардаги йирик илмий муассасалардан. Марказ директори Фархан Низомий жорий йилнинг 18-26 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказилган “Шарҳ ренессанслари феномени: цивилизациялар, шахслар ва кашфиётлар” халқаро маданий мерос ҳафталигида иштирок этиб, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолияти билан танишган, шу ернинг ўзига “Ислам дунёсининг ижтимоий ва илмий салохияти тарихи атласи” лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириш бўйича тақдим берган эди.

— Ўзбекистон — бой тарих ва бетақдор маданий меросга эга бўлган қадимий мамлакат, — деган эди Оксфорд Ислам тадқиқотлари маркази директори Фархан Низомий ўша учрашувда. — Мен бу юртта кўп

иштирок этиш учун атайин Париждан етиб келган машҳур олим, Темирлар уюмаси президенти Фредерик Брессанга маълум қилганимизда, у ҳам фикримизни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

— Дарҳақиқат, Амир Темир авлодларини бугунги кунда буюк мўғуллар деб аташ бу сулола вакилларига нисбатан ноҳақликдир, — деди Фредерик Брессан. — Бугун темирлар мероси намуналарини дунёнинг ўнлаб мамлакатлари ҳудудида учратиш мумкин. Ана шу бебаҳо меросни тадқиқ этиш масаласида биз, Ўзбекистон меросини ўрганаётган турли мамлакатлар олимлари ҳам четда турмаслигимиз керак. Шу сабаб 2025 йилнинг март ойида Парижда темирлар меросига бағишланган халқаро анжуман ўтказишни тақлим қиламиз.

Ушбу кўргазмада намойиш этилаётган ноёб экспонатлар орасида “Бобурома”, “Акбарнома” сингари тарихий асарлар, махсус мураккаб альбомлар, улардан ўрин олган миниатюраларнинг асл нусхалари борлиги диққатга сазовор. Шунингдек, кўргазмада бобурийлар даврида ишлатилган жанг қуроллари, заргарлик буюмлари, шоҳона ҳаёдарлар, тарихий ҳужжатлар, халқ амалий санъатининг бетақдор намуналарини кўриш мумкин.

Очиғи, яқин-яқингача ҳам биз CNN, Euronews, BBC сингари телеканаллар дастурларини ҳам кўрсатди. Китобларнинг асриятини унга отаси, машҳур тарихчи олим, бобурийлар даврининг етук билимдони Холик Аҳмад Низомийдан қолганини айтди. Биз ҳам кутуб-

вилизациясининг дунё илм-фанидаги ўрни сингари масалалар ўз аксини топади.

Низомий жаноблари бизга марказ кутубхонасининг ҳам кўрсатди. Китобларнинг асриятини унга отаси, машҳур тарихчи олим, бобурийлар даврининг етук билимдони Холик Аҳмад Низомийдан қолганини айтди. Биз ҳам кутуб-



**ГРИНВИЧДА МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ БОР**

Сафар доирасида миллионлаб нодир манбалар хазинаси бўлган Бодлеан кутубхонасида бўлиб, бу ерда сақланаётган Ўзбекистонга оид қўлёзмалар билан ҳам танишдик. Бу ерда бизни инглиз экани яққол сезилса-да, қўлини кўзига қўйиб, ўзбекча лутф ва мулозамат билан ёш олим кутиб олди.

Бодлеан кутубхонаси Шарҳ қўлёзмалари бўлими раҳбари Николас Контовасини Ўзбекистонлик олимлар яхши билади. Бир қанча шарҳ тилларини пухта ўзлаштирган бу инигит навоийшун.

— Алишер Навоийнинг ул зот ҳаётлиги даврида кўчирилган қўлёзмалари кутубхонамиз фонднинг нодир жавоҳирларидан саналади, — дейди Николас Контовасини соф ўзбек тилида. — Ҳазратнинг муборак нигоҳи тушидан “Хамса” қўлёзмасини яқиндан кўриш ҳар қандай инсонни ҳаяжонга солади.

Дарвоқе, буюк астроном олим Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Қўрагоний” асари нусхаси ҳам шу ерда сақланади. Н.Контовасининг айтишича, бу қўлёзmani салкам тўрт аср муқаддам оксфордлик олим Жон Грейвс сотиб олган ва

**АУКЦИОН МАРКАЗЛАРИ ТОМОН**

Оммавий ахборот воситалари орқали дунёдаги йирик аукцион савдо уйлари ва уларда сотува чиқариладиган қимматбаҳо санъат асарлари ҳақида кўп ўқиганмиз. Улар орасида Ўзбекистон маданий меросига оид қўллаб осори атиқалар ҳам бўлган. Жумладан, мамлакатимизда сақланаётган Ҳазрат Усмон мушаффи, Соҳибқирон Амир Темир даврида кўчирилган Қўрошни карим қўлёзмасининг айрим нусхалари, темирлар, бобурийлар даврига оид ўнлаб тангалар, қимматбаҳо буюмлар айнан шу аукционлар орқали сотилган эди.

Турли тарихий давр ва шароитларда, турфа сабаблар билан олиб чиқиб кетилган мазкур нодир экспонатлар қачондир ўзининг асл эгасига — халқимизга қайтарилди? Бунинг учун биз — бугунги авлод вакиллари нималар қилишимиз керак?

Айнан ана шу мақсадда мамлакатимизда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш билан боғлиқ қатор меъерий ҳужжатлар қабул қилинди. Хорижий мамлакатлардаги музей ва фондлар, архивлар, илмий-маданий муассасалар билан ишлашнинг қонуний асослари яратилди.

Сафар режамиздан Лондондаги йирик аукцион марказларини кўриш ҳам ўрин олган эди. Бу борадаги илк манзилимиз “Кристи” аукцион савдо уйи бўлди.

Машҳур мўйқалам усталарининг асарлари, Шарҳ китобат санъатида оид бир қанча қўлёзмалар билан танишдик. Аукцион уйи раҳбарияти бизни 2025 йилнинг март ойида ўтказиладиган навбатдаги савдоларда иштирок этишга қақирди.

“Сотиб” аукцион савдо уйи ҳам шу йўналишда фаолият кўрсатадиган йирик ташкилотлардан бири. Унинг Лондондаги офиси аукцион савдолар бўлими раҳбари Бенедикт Картер, коллекторлар гуруҳи раҳбари Алина Дэвэй, Ислам ва ҳинд санъати бўлими мутахассиси Франки Кейворз, илмий ходим Марям Фарҳодий, Яқин Шарқ ва Ҳиндистон бўлими бошлиғи Эдуард Гиббис ва бошқалар Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази вакилларига айни пайтда савдо уйи ихтиёрида бўлган Марказий Осие маданий меросига оид осори атиқалар ҳақида маълумот берди.

Савдо уйида сақланаётган VIII асрга мансуб сўғдийлар либоси, сомонийлар даврига тегишли сопол идишлар, қадимий биноларга оид қошилар, мамулқлар ва темирлар даврида кўчирилган тахмин қилинган Қўрошни карим қўлёзмалари бизда катта таассурот қолдириди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда маданий меросини асраб-авайлаш ва тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада буюк британиялик дўстларимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Утган бир ҳафта давомида Бирлашган Қиролликнинг қатор маданий-маърифий муассасаларида юртимиз делегацияси вакиллари иштирокида учрашувлар, тадбирлар ўтказдик, меморандумлар имзоланди, келишувларга эришилди.

Уйланимизки, ушбу сафаримиз давлатимиз томонидан бой маданий меросимизни тадқиқ ва тарғиб қилиш борасида олимизга қўйилган вазифаларни бажаришимизда катта аҳамият касб этди.

**БРИТАНИЯ МУЗЕЙИ БИЛАН АЛОҚАЛАР**

Жаҳонга машҳур Британия музейига саёҳат мазмуни кечди. Музейида айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти





Янги Ўзбекистон ғояси

# БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС ЖАМИЯТ ТИМИЗНИНГ ЯНГИ

Жонибек АЛИЖОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## ҚИЁФАСИГА АСОС СОЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари лавозимига киришган дастлабки кунлардан ёшлар тарбиясига бугун қандай шаклда эътибор бериш кераклигини жуда яхши англади. Президентимиз томонидан имзолаган биринчи қонун ҳам 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”-ги қонун эди.

Афсуски, 7-8 йил олдин биз маънавий-тимиз билан мақтана оладиган даражада бўлмаганмиз. Китобнинг қадр тобора йўқолаётган, санъат, адабиётга нисбатан бечориларнинг иши деган қарашлар шаклланаётган, энг муҳим нарса даромад деган ғоя илди отаётган даврларга келиб қолгандик. Бундай тафаккур билан яхши келажак яратиб бўлмаганини зиёли қатлам яхши англади, аммо ҳар қимда ҳам “Ўзгартира олмайман барибир”, деган умидсизлик учқунни яшарди. Вазият катта сиёсий иродани кутиб яшарди. Давлатимиз раҳбари халқимиз учун ана шундай катта сиёсий ирода бўлиб келди. Улуғвор мақсадларга ўзи қаттиқ ишонди, бошқаларни ҳам ишонтира олди, амалдор аҳлини айна мақсадларга мутаносиб тарбиялашга киришди. Энди залворли ислохотларни бошлаш мумкин эди.

2019 йил 19 март куни давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-марифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, ёш авлодга эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига алоҳида ургу бериш мақсадида 5 та муҳим ташаббус илгари сурилгани янги Ўзбекистонни бунёд этишда ёшлар таълим-тарбияси бўйича янги босқични бошлаб берган эди. Бу ташаббуслар шунчаки қозғола қоладиган гаплар эмас, унинг қанчаллик ишлаганини орадан ўтган йиллар ҳам исботлаб турибди. Келинг, уларни бир эса олайлик:

**Биринчи ташаббус** — ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш.

**Иккинчи ташаббус** — ёшларни жисмоний чинқатириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намойиш қилиши учун зарур шартларни яратиш.

**Учинчи ташаббус** — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил қилиш.

**Тўртинчи ташаббус** — ёшлар маънавийтини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш.

**Бешинчи ташаббус** — хотин-қизларни иш билан таъминлаш.

5 та муҳим ташаббус илгари сурилгани янги Ўзбекистонни бунёд этишда ёшлар таълим-тарбияси бўйича янги босқични бошлаб берган эди. Бу ташаббуслар шунчаки қозғола қоладиган гаплар эмас, унинг қанчаллик ишлаганини орадан ўтган йиллар ҳам исботлаб турибди.

### Спорт билан шуғулланган ёшларнинг ақли яхшироқ ишлайди

Спортни олайлик. Спорт билан шуғулланиш фақат спортчининг иши, деган қараш шаклланиб қолганди. Жисмоний машғулотларнинг инсон организми учун қанчаллик фойдали эканини илм-фан асрлар илгари исботлаб қўйган. Унга кўра, ҳатто ақлий меҳнат билан шуғулланувчи инсонлар ҳам спорт билан шуғулланиши шарт. Бироқ орада қарашларимиз бир оз оқсаб қолди. Қизиқиши борларда имконият йўқ бўларди, имконияти борларда қизиқиш камайиб кетганди. Бу ташаббус эса орадаги балансни таъминлади, имкони йўқларга шароит яратиб бериш бошланди, қизиқиши йўқларга тарғибот кучайди. Ўзингиз бир қаранг-чи, сўнгги тўрт-беш йилда ён-атрофингизда нечаб спорт майдончалари қурилди, нима ўйнашни билмай юрган кичкинтойларга замонавий болалар майдончалари соғва қилинди. Спорт марафонлари ўтказиш анъанага айланди. Бир сўз билан айтганда, иккинчи ташаббус спорт фақат шу соҳа вакиллари эмас, барчанинг доимий машғулоти бўлиши кераклигини уқтирди. Тўғри-да, танаси чинққан инсоннинг вақти унумли бўлади, касалликни нари қувади, ақли яхшироқ ишлайди, умри узаяди.

Лекин иккинчи ташаббуснинг мақсади фақат шунга эмас, балки ёшларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намойиш қилишга имконият яратиш ҳам эди. Масалан, маҳаллада волейбол ўйнаш учун майдон қуриلسа, маҳалланинг болалари бу ўйин билан танишади, ўрганади, тажриба ортиради. Унга меҳри тушганлари шу спорт турини профессионал даражада давом эттиради, ютуқларга эришади. Энди ўйлаб кўринг, агар шу майдон қуриб берилмаганда нима бўларди? Болалар бу спорт туридан беҳабар улгайверарди-да.

### Компьютерни билиш залворли ишларга замин

Бугун компьютер технологиялари тарққий этган давр. У билан ҳисоблаш-маслиҳатнинг иложи йўқ. Сабоби виртуал ҳаётдан беҳабарлик дунёдан беҳабарлик сифатида баҳолана бошлаган. Илм-фан



Ташаббусларнинг моҳиятини бирма-бир кўриб чиқдик, самарасининг эса ҳар кун гувоҳи бўляпмиз. Демак, беш муҳим ташаббусни ҳеч иккиланмай тўлиқ қувватда ишлади ва ишламоқда, дея оламиз. Ўрни бу ҳаракатлар орадан ўтган йилларда самарали эканини исботлади. Бу нақадар тўғри йўл танлаганимиздан далолат. Орадан бир неча йиллар ўтиб, тагин шу мавзуга қайтганимизда эса натижаларимиз бундан ҳам каттароқ бўлаётганини эътироф этишимиз шубҳасиз.

ҳам, тадбиркорлик ҳам борган сари у билан интеграциялашмоқда. Шундай экан, ёшларнинг бу борада билимини юксалтириш ўзига хос мажбуриятга айланади. Учинчи ташаббуснинг моҳияти ҳам аини шу эди.

Агар ишлатишни билмасак, компьютер ҳам оддийгина матаб қилади. Яқин-яқингача кўпчилик ёшлар компьютерни ўйин ўйнайдиган қурим сифатида тасаввур қилгани ҳам бор гап. Лекин бу мутлақ хато тасаввур эди. Бугун компьютер орқали интернетда жуда залворли ишлар қилса бўлади. Даромадини айтмайсизми?! Лекин қандай қилиб шу даражага чиқиш мумкин?

### Замонавий ёшларнинг мақсад-муддаоси

Тўртинчи ташаббус олдимизга аини катта саволни қўйди. Натижанинг қандай бўлганини эса орадан ўтган йилларнинг ўзиёқ исботлаб турибди. Бугун интернет имкониятларидан бутунлай беҳабар ёшни излаб топа олмайсиз. Жамиятимизда замонавий дейилётган касбларни танлаётган ёшлар сонини борган сари ошиб бормоқда. Ўйит-қизлар ақлини ишлатиб, интернетдан фойдаланиб пул топишти, камига иш ўринлари яратиб, бошқаларга ҳам фойда келтиряпти. Мақсад-муддао шу эди. Бугун ИТ паркларга борсангиз, у ердаги муҳитдан дил

### Аёллар яхши жойларда ишлашни эплайпти

Илгари аёлларга нисбатан “аёл киши уйнинг одами, уйда ўтириб бола тарбиялаши керак”, деган тафаккур кўпчилигимизда устунлик қилганини тан олмай иложимиз йўқ. Шунинг учун ота-оналар қизларини ҳадеганда ўқитишга ҳаракат қилвермас, тинчгина турмушга узатишни афзал биларди. Бироқ бу муносабат хато бўлганини замонанинг ўзи исботлаб қўйди. Бугунги даврда ҳар бир инсон жинсидан қатъи назар, ривожланишга, мақсадларини амалга оширишга ҳақли. Бунда инсон ўз қадриятларига ҳилоф келмас, бас. Бешинчи ташаббус аини шу ҳаракатлар учун ўзига ҳоким маёқ бўлиб хизмат қилганини атрофимизга қараб ҳис қилиб олиш қийин эмас.

Иқтидор инсон танламайди. Аёлми, эр-каким, ҳар бир инсонда ўзига хос иқтидор мавжуд бўлади. Муҳими, уни юзага чиқариш учун эркин муҳитнинг бор-йўқлиги. Илгари аёл киши тадбиркорлик қиламан, иш ўрни яратаман деса, юзтадан тўқсон саккизта одам “Қўйсанг-чи, эркаклар эп-лолмаган ишни сен эплашингга йўл бўлсин”, дерди. Орадан 4-5 йил ўтиб, жамиятга қаранг, ўнга бармогингиз билан тадбиркор санасангиз, бир қўлингизга эркак тадбиркорлар, бир қўлингизга аёл тадбиркорлар

тўғри келяпти. Бугун корхоналарда аёллар иш бошқарувчилик қияпти, ёш қизлар ўз тадбиркорлигига асос солиб, иш ўрни яратяпти, давлатга солиқ тўлаяпти. Даврнинг ўзи кўрсатиб қўйди — аёлларга адолатли муносабатда бўлиниса, мақсадларига қулоқ туглиса, улар эркаклар билан тенгма-тенг қадам ташлай оларкан. Зотан, ҳар биримиз инсонимиз.

Аёл яхши жойларда ишлаши учун олий маълумотли бўлиши мақсадга мувофиқ. Бутун дунёда ҳам шундай. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида хотин-қизлар улушини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга эътибор ҳар қачонгидан кучайди. Хотин-қизларга фойдасиз таълим кредитлари берилётгани, магистратурада ўқитилганларга тўлов-контракт суммалари давлат томонидан тўлаб берилётганини ҳар биримиз кўриб, фойдаланиб юрибмиз. Бундай ҳаракатлар аллақачон самара бера бошлади, хусусий секторда ҳам, давлат ташкилотларида ҳам аёл ходимларнинг улуши борган сари ортмоқда. Айниқса, замонавий касбларни танлаётганлар орасида хотин-қизлар улуши кўзни қувонтиради. Ўрни замонавий касблар билан уйда ўтирган ҳолда даромад топиш мумкин, бу эса уларнинг ҳам пул топиши, ҳам рўзгор юмушларини барабар олиб боришига имкон яратяпти.

Ташаббусларнинг моҳиятини бирма-бир кўриб чиқдик, самарасининг эса ҳар кун гувоҳи бўляпмиз. Демак, беш муҳим ташаббусни ҳеч иккиланмай тўлиқ қувватда ишлади ва ишламоқда, дея оламиз. Ўрни бу ҳаракатлар орадан ўтган йилларда самарали эканини исботлади. Бу нақадар тўғри йўл танлаганимиздан далолат. Орадан бир неча йиллар ўтиб, тагин шу мавзуга қайтганимизда эса натижаларимиз бундан ҳам каттароқ бўлаётганини эътироф этишимиз шубҳасиз. Зеро, яхши ниятлар билан бошланган, собитқадамлик билан амалга оширилган, оширилаётган ташаббуслар ҳамisha самарадор бўлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 4583. 39932 нусxada босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида** босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов  
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй